



Investigating judge as a new participant in criminal proceedings: concept analysis

Zafarjon OMONOV¹

Andijan District Criminal Court of Andijan Region

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2024

Received in revised form

15 December 2024

Accepted 20 January 2025

Available online

25 February 2025

Keywords:

investigating judge,
criminal procedural law,
judicial oversight,
individual rights,
pre-trial proceedings,
fairness in criminal process,
constitutional rights,
investigation process.

ABSTRACT

This article analyses the role and significance of the institution of the investigating judge in the law of criminal procedure. This new institution, introduced as part of the judicial and legal reforms in Uzbekistan, is aimed at protecting individual rights and freedoms at the pre-trial stage of criminal proceedings. The article examines the functions of the investigating judge, his role in international practice and the main tasks of this position. In addition, the opinions of various scholars are analysed in order to provide a clear definition of the term 'investigating judge'.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1-pp135-139>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Жиноят процессининг янги иштирокчиси сифатида тергов судьяси: тушунчалар таҳлили

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

тергов судьяси,
жиноят-процессуал
қонунчилиги, суд
назорати,
шахс ҳуқуқлари,
судга қадар иш юритиш,
жиноят процессининг
адолатлилиги,
конституциявий ҳуқуқлар,
тергов жараёни.

Мазкур мақолада тергов судьяси институтининг жиноят-процессуал қонунчилигидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида жорий этилган ушбу янги институт жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритиш босқичида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Мақолада тергов судьясининг вазифалари, халқаро амалиётдаги ўрни ва ушбу лавозимнинг асосий мақсадлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, турли олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган ҳолда, тергов судьяси тушунчасига аниқ таъриф ишлаб чиқилган.

¹ PhD, Chairman, Andijan District Criminal Court of Andijan Region.

Следственный судья как новый участник уголовного процесса: анализ понятий

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

следственный судья,
уголовно-процессуальное
право,
судебный контроль,
права личности,
досудебное производство,
справедливость
уголовного процесса,
конституционные права,
следственные действия.

В данной статье анализируется роль и значение института следственного судьи в уголовно-процессуальном праве. Этот новый институт, введённый в рамках судебно-правовых реформ в Узбекистане, направлен на защиту прав и свобод личности на досудебной стадии уголовного процесса. В статье рассматриваются функции следственного судьи, его роль в международной практике и основные задачи данной должности. Кроме того, анализируются мнения различных учёных, с целью дать чёткое определение понятию «следственный судья».

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилиб келаётган суд-хуқуқ тизимидаги ислохотлар натижасида жиноят-процессуал қонунчилигига бир қанча янги институтлар кириб келди. Мисол тариқасида, кўрсатувларни олдиндан мустақкамлаб қўйиш, айбга иқдорлик бўйича келишув каби институтларни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Қуйида ушбу ислохотлар давоми ўлароқ жорий этилган тергов судьяси институти ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд томонидан ишончли таъминлаш мақсадида жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида янги лавозим, яъни тергов судьяси лавозими жорий этилиб, бу суд-тергов амалиёти учун ўзига ҳос янгилик бўлди дея оламиз. Жиноят-процессуал қонунчилигига жорий этилган ушбу янги институт Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январь кунидаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1022-сон Қонуни [1] билан Жиноят-процессуал кодексида ўз ўрнини эгаллади. Мазкур Қонуннинг қабул қилинишига эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июнь кунидаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сон Фармонида [2] белгиланган вазифалар асос бўлиб хизмат қилди.

Шу ўринда, жиноят процессининг янги иштирокчиси сифатида белгиланган ушбу лавозим нима мақсадда жорий этилди ва қандай вазифалар унинг зиммасига юклатилди деган савол туғилиши табиий.

Юқорида назарда тутилган Қонунга мувофиқ тергов судьясининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритиш босқичида процессуал қарорларга санкция бериш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахсининг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд томонидан ишончли таъминлаш эса ушбу лавозимнинг жорий этилиш мақсади сифатида келтириб ўтилди. Аммо, ушбу Қонунда тергов судьяси тушунчасига изоҳ бериб ўтилмади. Бу эса, суд-тергов амалиёти ходимлари ва фуқаролар ўртасида жиноят процессининг ушбу иштирокчиси бўйича турли хил ёндашувларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам, тергов судьяси тушунчаси таҳлилини амалга ошириш ҳамда бу борада ягона тўхтамга келиш зарурати мазкур масалани алоҳида тадқиқ этиш лозим эканлигини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги кунда ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда тергов судьяси тушунчасига изоҳ берилмаган ва бунга асосий сабаб сифатида мазкур тушунчанинг миллий қонунчилигимиз учун янги тушунча эканлигини кўрсатиш мумкин. Мазкур сабаб назарияга ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. Хусусан, мамлакатимизда нашр этилган ҳуқуқий адабиётларда ушбу тушунчанинг изоҳи учрамаслиги бунинг тасдиғи бўла олади. Бу эса, мазкур тушунчага алоқадор хорижий адабиётларга мурожаат қилиш заруратини юзага келтиради.

Жумладан, юридик терминлар луғатида тергов судьясига “Франция ва бошқа бир қатор мамлакатларда дастлабки тергов босқичида чеклов чораларини (қамоққа олиш ордери, тинтув ўтказиш, мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги қарор, ҳайдовчилик гувоҳномасидан вақтинча маҳрум қилиш) қўллаш ҳақида қарор чиқарувчи судья” дея изоҳ берилади ҳамда тергов судьялари айбланувчи ва гувоҳларни дастлабки сўроқ қилиш вазифасини ҳам бажариши ҳақида ҳам айтилади [3].

Бу борада олимлар томонидан билдирилган фикрларни таҳлил қиладиган бўлсак, А.В.Смирнов “тергов судьяси” деганда, ўз ваколатларини қонунда белгиланган тартибда судгача бўлган жараёнда амалга оширадиган, аммо жиноят ишларини кейинчалик мазмунан кўриб чиқишда, шунингдек суд қарорларини апелляция, кассация, назорат тартибида ёки янги ва янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриб чиқишда иштирок этмайдиган биринчи инстанция судьясини назарда тутди [4]. А.В.Смирновнинг фикрича, “тергов судьяси” институтини ташкил этишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: далилларни тўплаш ва баҳолашда томонларнинг тенглигини таъминлаш; жиноят процессига жалб этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; судгача бўлган иш юритишнинг барча босқичларида мустақил субъект (“фильтр”) ўрнатиш орқали жиноят процесси иштирокчилари томонидан судга ноқонуний ва асоссиз айбловлар юборилишининг олдини олиш.

Д.М.Чориеванинг фикрига кўра “Тергов судьяси – жиноят ишларини юритишнинг судга қадар бўлган босқичларида фаолият олиб боровчи, айблов ва ҳимоя тарафининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб ва назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи масъул мансабдор шахс ҳисобланади” [5].

О.А.Глянько тергов судьяси жиноят процессининг судгача бўлган босқичида томонларнинг тортишувига хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда тергов судьясининг ваколатларини қуйидаги уч гуруҳга ажратган:

1) процессуал мажбурулов чорасини ҳамда шахснинг конституциявий ҳуқуқларига дахл қилувчи процессуал ҳаракатларни бажаришга рухсат берувчи ваколатлар;

2) жиноят процессининг бориши ва йўналишини белгиловчи, шунингдек асосий ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишига ёки тугатилишига олиб келадиган процессуал қарорларнинг қонунийлиги ҳамда асослилиги устидан суд назоратини амалга оширувчи ваколатлар;

3) ишни судга қадар юритиш босқичида далилларни тўплаш ва текширишга имкон берувчи ваколатлар [6].

А.О. Машовец эса тергов судьяси жиноят процессида иккита вазифани бажаришини асослаб берган: биринчиси – шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларига таъсир кўрсатадиган процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш устидан суд назоратини амалга ошириш; иккинчиси – томонларнинг илтимосига биноан далилларни тўплаш, бошқача айтганда, айрим фактик ҳолатлар бўйича қисман суд тергови ўтказиш вазибалари ҳақида фикр билдирган [7].

С.А. Адилов ҳам О.А.Гляньконинг фикрига ўхшаш фикрни билдирган бўлиб, унга кўра “...тергов судьяси ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини рухсат бериш, исботлаш ва текшириш каби ўзаро боғлиқ ваколатлар орқали амалга оширади” [8].

В.Ю. Мельников фикрича, “Инсон ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш мақсадида тергов судьяси шаклидаги ихтисослаштирилган суд тизимини яратиш, суд назоратини суд фаолиятининг мустақил йўналиши сифатида алоҳида қонунчилик билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Назоратдан ташқари, тергов судьялари жиноят ишини дастлабки кўриш тартибига оид масалаларни ҳал қилишлари, прокурор томонидан тақдим этилган материаллар асосида айбловнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишлари шарт” [9].

В.А. Холодова ҳам ўз тадқиқот ишларида тергов судьяси жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичида суд назорати доирасидаги ваколатларини оширишга ҳамда томонларнинг тенглиги принципи қоидаларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилишини таъкидлайди [10].

Б.А. Саидовнинг фикрича, “тергов судьяси – жиноят ишларини юритишнинг судга қадар бўлган босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва ҳимоя тарафининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб ва назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи масъул мансабдор шахс ҳисобланади” [11].

Д. Миразов эса бу масалага бошқача ёндашади ва қуйидаги тарифни билдириб ўтади: “тергов судьяси – биринчи инстанция судининг судьяси бўлиб, ЖПКда белгиланган тартибда жиноят судлов иш юритувида шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд контролини амалга оширади” [12].

Ушбу таҳлилларга асосланиб, тергов судьяси тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилади:

“Тергов судьяси – жиноят ишларини юритишнинг судга қадар бўлган босқичларида фаолият юритувчи судья бўлиб, у жиноят процессининг шаффофлиги ва қонунийлигини таъминлаш мақсадида процессуал қарорларга санкция бериш, шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳамда тергов ҳаракатлари устидан суд назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс ҳисобланади”.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январь кундаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1022-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/7347837> (Мурожаат этилган сана: 06.02.2025)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июнь кундаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/6964387> (Мурожаат этилган сана: 06.02.2025).
3. Словаре юридических терминов (онлайн) // URL: <https://rus-jur-terms.slovaronline.com/> (Мурожаат этилган сана: 06.02.2025).
4. Смирнов А. В. Институт следственных судей – путь к состязательности в уголовном процессе // Евразийская адвокатура. 2015. № 1 (14). С. 10–14.
5. Чориева Д.М. Тергов судьяси: у ким ва унинг ҳимоячи процессуал мақомини оширишдаги ўрни қандай?. <https://kun.uz/46113262> (Мурожаат этилган сана: 06.02.2025).
6. Глянько О.А. Теоретико-правовая модель процессуального статуса следственного судьи: Автореф. Дисс.... канд. юрид. наук. – М., 2019. – С. 12–13.
7. Машовец А.О. Варианты введения института следственного судьи в досудебное уголовное производство // Вестник ЮУрГУ. Серия “Право” – 2015. – № 4. – С. 38. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/varianty-vvedeniya-instituta-sledstvennogo-sudi-v-dosudebnoe-ugolovnoeproizvodstvo> (Мурожаат этилган сана: 07.02.2025).
8. Адиллов С.А. Правовое положение следственного судьи в уголовном процессе республики Казахстан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2019. – С. 10.
9. Мельников В.Ю. Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве российской федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. // URL: <https://lawtheses.com/obespechenie-i-zaschita-prav-cheloveka-pri-primenenii-merprotsessualnogoprinuzhdeniya-v-dosudebno-proizvodstve-rossiy> (Мурожаат этилган сана: 07.02.2025).
10. Холодова В.А. Следственный судья в уголовном процессе Российской Федерации: тенденции и перспективы развития. // Текст научной статьи по специальности «Право». // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sledstvennyy-sudya-v-ugolovnom-protseste-rossiyskoy-federatsii-tendentsii-iperspektivy-razvitiya> (Мурожаат этилган сана: 07.02.2025).
11. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИБ Академияси, 2020. – Б.222.
12. Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИБ Академияси, 2016. – Б.192.